



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ЎЗБЕК ТИЛДА

Majburiy
beril masxa

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 12 ноябрь, № 219 (5134)

Жума

СОҒЛОМ МИЛЛАТ — ЮРТ ҚУДРАТИ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон ва унинг манфаатларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Истиқлол йилларида юртимизда Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Бу янгиланишлар эса, ўз навбатида, халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизimini барпо этиш, ҳар жиҳатдан барқамол авлодни вояга етказиш, халқимизни янада соғломлаштириш йўлида бекиёс имкониятлар яратди.

Ислохот

Зеро, давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизimini ислох қилишнинг 1999 — 2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг қабул қилинишидан қўзланган асосий мақсад ҳам мамлакатимизда тиббий хизматнинг ўзига хос миллий моделини шакллантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, аҳолига жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатишдан иборат бўлди.

Қувонарлики, ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш соҳасида илгор шакл ва услублар амалиётга жорий этилди. Жойларда фаолият юритаётган бирламчи бўғин, жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари базаси мустаҳкамланди, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган марказлар ҳамда соҳада янги — шошилинч тиббий хизмат тизimini ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш ва фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Шахару қишлоқларда бири-бирдан кўркам, муаззам, замонавий даволаш муассасалари ва тиббий марказлар қад ростлади. Энг муҳими, ушбу кенг қамровли ислохотлар, моҳиятан, инсон ва унинг манфаатлари, турмушининг ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун хизмат қилишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг бекиёс эътибори билан юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта қўриб чиқилди. Қўз олдимизга келтирайлик, бундан ун саккиз-йигирма йил илгари тиббиёт тизимида ҳозиргидек шароит яратилишини биров тасаввур этиб қўрганими? Уша вақтлар аксарият даволаш муассасаларида тиббий хизмат ноҳор ҳолга келиб қолганди. Фаригина шифохоналар беморларга лиқ тўлган, даво излаб келганлар янгили азобини бошдан кечирарди. Расмий маълумотларда ФАП, СВА, СУБ тарзида қисқарта сўзлар билан ифодаланувчи тиббиёт пунктларида аҳвол кўнглисиз, малакали кадрлар еттишмасди. Уша кўнларнинг жонли гувоҳлари — тиббиёт ходимлари эндиликда бу манзараларни оғир тўшдек эсасалар, ажаб эмас. Зотан, бугун Президентимиз ташаббуслари билан амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш соҳасидаги улкан ва



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

изчил ислохотлар халқаро андозаларга мос равишда замонавийлик касб этмоқда. Хусусан, биз айна пайтада миллий тиббиётимиз қанчалик оқсатилганлигини биргина бирламчи бўғин — ҚВПларнинг замонавий тиббий муассасаси сифатида шаклланаётганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўтган давр ичида мамлакатимиздаги мавжуд 3164 та ҚВП фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсадида улар 10,2 миллион АҚШ доллари қийматидаги тиббий асбоб-ускуна

ва жиҳозлар билан таъминланди. Дори воситалари етказиб бериш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 3,1 баробарга ошди. Барча қишлоқ врачлик пунктлари алоқа тизими — телефон, мобиль ва радиоалоқа мосламалари билан тўлиқ таъминланди. Қисқа фурсат ичида ҚВПлар қошида барча қулайликларга эга бўлган 450 дан ошди дорихона филиаллари ва 14 та кўчма дорихона ташкил этилди. Асосийси, кундан-кунга аҳоли ишончига сазовор бўлаётган бундай пунктларда энди аввалги-

ларга ўхшаб ўрта тиббиёт ходимлари эмас, балки олий маълумотли умумий амалиёт шифокорлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга республика ихтисослаштирилган марказлари, йирик даволаш муассасалари ва олий ўқув юртинларининг қарийб етти минг нафарга яқин тажрибали шифокор, мутахассис ва олимлари ҳар жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ИМТИЁЗЛАР ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР — ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ДАСТУРНИНГ ВА ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЧОРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида алоҳида таъкидлаганидек, **хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим йўналиши солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизimini содда-лаштириш ва унификация қилиш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганлигидан иборатдир.**

Шу йил 11 ноябрда Солиқ академиясида "Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш доирасида солиқлар ҳамда бошқа молиявий-иқтисодий имтиёзлар ва преференцияларнинг рағбатлантирувчи родини ошириш" мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган семинар бўлиб ўтди.

Қайд этиб ўтилганидек, инқирозга қарши чораларни амалга оширишда, шунингдек, уларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги ва самардорлигини таъминлашда солиқлар, кредитлар, боғжона тўловлари ва бошқалар бўйича имтиёзлар ва преференциялар муҳим рағбатлантирувчи аҳамиятга эга.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва иқтисодийнинг реал секторидида базавий тармоқларни қўллаб-қувватлаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда маҳаллий озиқ-овқат ҳамда ноозик-овқат товарларни ишлаб чиқаришни ва ички бозорни кенгайтириш, ма-

миллиард сўм миқдорига имтиёзли кредитлар ажратилган.

"Қишлоқ қурилиш инвент" инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан хусусий уй-жойлар қурилишини амалга ошираётган пудратчи ташкилотлар ҳамда янги ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январига қадар барча турдаги солиқларни ва давлат мақсадида жамғармаларига мажбурий ажратмаларни ҳамда боғжона тўловларини тўлашдан озод қилинган. 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида 174 та қурилиш ташкилотига нисбатан 4,0 миллиард сўм миқдорига солиқ имтиёзлари қўлланилган.

Бундан ташқари, маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот фойда солиғидан, ягона солиқ тўловидан, мулк солиғининг асосий қисмида қисмидан озод қилинган.

Тадбиркорлик субъектларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этилган корхоналар учун кенг имкониятлар яратиш берди, уларга турли солиқ ва боғжона имтиёзларини бериш натижасида ушбу корхоналарнинг молиявий аҳоли анча яхшиланди, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот миқдори ва товар айланмаси ошди, натижада бу мазкур корхоналарда қўллаб иш жойлари яратиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ

Иқтисодиётимиз тараққиёти, оилалар фаровонлигига хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг Андижон, Бухоро,

Жиззах ва Хоразм вилоятлари ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича ўринбосарлари қатнашди.

Бундан қўзланган мақсад йил давомида 950 мингдан зиёд янги иш ўринларини ташкил этишдан иборатдир. Дарҳақиқат, ушбу режани бажариш ва шу орқали оилалар фаровонли-

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Таъкидланганидек, 2010 йилда мамлакатимизда янги кичик корхона ва микрофирмаларни ишга тушириш, яқна тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларини кенгайтириш режалаштирил-

гани юксалтириш мақсадида юртимизда муайян чоратadbirlar амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатимиз бўйича 784,9 минг янги иш ўрни яратилгани ҳам шундан

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан.

Жиззах шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастури ва ёш авлоднинг барқамол ривожланишини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, "Камолот"

ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастури доирасида бетимсиз ишлар амалга оши-

рилмоқда. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш сураётлари, ижтимоий соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар бунинг ёрқин далилидир.

Семинар

барининг шу йил 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзланган нутқининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Очiq мулоқот тарзида ўтган тадбирда сенаторлар, депутатлар, ёшлар етакчилари халқ депутатлари маҳаллий

(Давоми 2-бетда).

ҲАЁТБАХШ ВА МУСАФФО

2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамиз бўйича

1965,8

километр узунликдаги водопровод тармоқлари ишга туширилди.

Ўтган даврда жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли шундай ютуқ қўлга кiritилди. Натижада аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида катта ютуқлар қўлга киритилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Ширмонбулоқнинг мрамар қопламалари

АНДИЖОН. Булоқбoши туманидаги "Ширмонбулоқ тошқони" унитар корхонаси шу кунга қадар водийни обиҳаёт билан таъминлаб келаётган Майлисой, Тентақсой, Чиртаксой, Қорадарё, Андижонсой сингари йирик ирригация тармоқлари қирғоқларини мустаҳкамлаш учун ишлатилган харсанг билан таъминлаб келаётган эди. Италиянинг "МАУИМ" компаниясидан 96 минг евро эвазига тоғ жинсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш технологияси келтирилгач, бу ерда мрамар қопламалари ишлаб чиқариш кўпайди. Натижада 15 та иш ўрни яратилиб, ўтган қисқа муддатда минг тоннага яқин мрамар хом ашёси тайёрланди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хорижникидан қолишмайди

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Амударёлик тадбиркор Қувончбой Боймуродов банкдан олган 75 миллион сўмлик кредити ҳисобига Мангит шаҳрида "Бойвул пойабзали" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди.

Айна пайтада 20 киши меҳнат қилаётган ушбу корхонада сифат жиҳатидан хорижникидан қолишмайди бежирим оёқ кийимлари ҳамда костюм-шимлар тайёрланмоқда.

Эътиборлиси, жамият маҳсулотлари мижозларга маъқул бўлмоқда. Хусусан, корхона жамоаси ички бозорга дастлабки 25 миллион сўмлик маҳсулотини тақдим қилди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий технологиялар ёрдамида

ХОРАЗМ. Ҳазорасп туманилик тадбиркор Дилшод Обувол банкдан олган 18 миллион сўмлик кредити эвазига Мухомон қишлоғида эркаклар қўйлағи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик корхона ташкил этди.

"Ҳазорасп ширт" деб номланган мазкур корхонада замонавий технологиялар ёрдамида дастлабки 5 миллион сўмликка яқин 20 турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрланди. Эътиборли жиҳати, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида туманда фаолият юритаётган 2673 та тадбиркорлик субъекти томонидан 7 миллиард 813 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БАХТИЁР ОНА — БАРКАМОЛ БОЛА

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида Баркамол авлод йилига бағишланган III халқаро кўргазма-ярмарка бўлиб ўтмоқда. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Оналар ҳамда болаларга ижтимоий хизмат кўрсатувчи фирма ва компанияларнинг махсулот ҳамда хизмат турларидан иборат ушбу кўргазмада 30 дан зиёд маҳаллий ва хорижий компаниялар иштирок этмоқда. Экспозицияда гўдаклар озуқаси ва ичимликлари, дори-вор гиёҳлар, витаминлар, болалар, ўсмирлар, ҳомилдор аёллар учун кийим, пойабзал ва аксессуарлар, чақалоқларни парваришдада ишлатиладиган воситалар, ўйинчоқлар ҳамда «Она ва бола» спорт-соғломлаштириш марказларининг хизмат турлари таъриф этилмоқда.



Халқаро кўргазма

Маълумки, ёш болаларнинг витаминларга бой таомлар билан озиқлантирилиши унинг соғлом ва дуркун ўсишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, «Нестле Ўзбекистон» масъулият чекланган жамияти болажонлар учун тўғилган озуқа махсулотларини ишлаб чиқармоқда. Ушбу компания юртимизда 1995 йилдан буён фаолият кўрсатаётган.

Биз, мутахассислар янги туғилган чақалоқларнинг она сuti билан парваришланиши тарафдоримиз, — дейди компания менежери Мушарраф Раҳимов. — Маълумки, чақалоқ ҳаётининг олтинчи ойидан бошлаб она сutiга қўшимча равишда бошқа хил озиқ-овқатларни ҳам истеъмол қила бошлайди. Бизнинг махсулотлар, яъни сут-

ли бўтқалар гўдак қўшимча озуқалар ея бошлаганида унинг ичак фаолияти бузилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, экологик тоза хом ашёдан тайёрланган ушбу озуқалар болажонларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида кўмак берувчи турли витамин ҳамда минерал моддалар билан бойитилган.

Кўргазма буғун ҳам давом этади. Тадбир доирасида болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган турли маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танлов ва беллашувлар ташкил этилмоқда.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: кўргазма фаолиятидан лавҳа.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

ДИҚҚАТ, «ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»!

Хурматли юртдошлар! Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёт бошқа даврларга нисбатан бирмунча ортади. Бу эса ёнгин келиб чиқиш хавфининг ҳам ошишига сабаб бўлади.

Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги фармойишига асосан, республикамизда 15 ноябрдан 15 декабргача «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Фармойишда идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар объектларини, шунингдек, уй-жой фонди-

ни ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, ишчилар, хизматчилар, таълим муассасалари ўқувчилари ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, жамоatchиликни ёнгинларнинг олдини олиш тадбирларига кенг жалб этиш каби чоралар ойлик давомида амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар сифатида кўрсатиб ўтилган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирларда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда таъкидламоқчимизки, бу даврда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиб, сиз нафақат «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»нинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки давлат ва ўз шахсий мулкнингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ҳамда фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси.

ООО «Росмет Плюс»
прямые поставки с
СеверСталь ArcelorMittal

МЕТАЛЛОПРОКАТ

в наличии на складе
КАТАНКА 5,5 — 6,5 мм

поставляем под заказ
проволоку
в широком ассортименте В1, В2, ВР, Св08А
листы Г/К, Х/К, 09Г2С любых размеров.

Тел.: (+99890) 187-75-77, (+99893) 501-75-77. Тел./факс 150-39-21.
Эл. адрес: mas-met@mail.ru

КЎРГАЗМАГА ШОШИЛИНГ!

7-Ўзбек халқаро кўргазмаси
ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА

6-Ўзбек халқаро кўргазмаси
АВТОМОБИЛЛАР, БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР, СЕРВИС УСКУНАЛАРИ

2-Ўзбек халқаро кўргазмаси
ЙЎЛ-ҚУРИЛИШ ВА КОММУНАЛ ТЕХНИКА

UZBEKISTAN Infrastructure

16-18 НОЯБРЬ 2010

«Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

www.ite-uzbekistan.uz

Ташкилотчи:
Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 20
Телефон: (+998 71) 113 01 80, факс: (+998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳитни ташкил этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарори билан ҳафтанинг жума куни «Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш куни» («Очиқ эшиклар куни») деб эълон қилинган.

Тадбиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар юзасидан ҳамда тадбиркорликка оид барча масалаларда ҳафтанинг ҳар жума куни соат 9.00 дан 13.00 гача республикамиздаги вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизнинг мурожаатингиз тегишли органлар томонидан кўриб чиқилиши таъминланади.

Мурожаат учун телефонлар:
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:
(8-371) 150-60-06, 150-60-05, (8-800) 120-04-04
(ушбу рақамга телефон қилиш республика ҳудудида бепул ва фақат шаҳар телефонларидан амалга оширилиши мумкин).

E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz

SONATA

Ўз йўлингни танла!

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Official Partner **HYUNDAI** www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

Drive your way

24 соат ичида

ЖАХОН

Сальвадор марка-зида жойлашган қамоқхонада ёнгин содир бўлди.

Қисқа тугашув оқибати

Оқибатда 16 нафар маҳбус ҳаётдан кўз юмди, 22 нафари эса турли даражада тан жароҳати олди. «ИТАР ТАСС» ахборот агентлиги хабарига кўра, ёнгин электр тармоғида юзага келган қисқа тугашув туфайли юз берган. Бундан ташқари, ўт кетган вақтда маҳбуслар ўртасида жанжал ҳам келиб чиққан. Қурилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ёнгин ҳамда ўзаро низо ўз вақтида бартараф этилган.

Икки миллиард долларли фойда

АҚШнинг «General Motors Co» корпорацияси жорий йилнинг учинчи чорагини мўлмай даромад билан яқунлади.

Хусусан, қорхона бу даврда икки миллиард АҚШ долларини миқдорда фойда кўрган. Умуман, июль-сентябрь ойларида «General Motors Co» да маблағ тушуми 34,1 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 35 фоиз кўпдир.

Қорхона фаолиятидаги бундай илҳомий ўзгаришларга унинг махсулотларидаги Шимолӣ Америка мамлакатлари ва Хитой давлатида талаб ошгани сабаб бўлди.

Жанговар самолёт ҳалокати

Ҳиндистон қуроли кучларига тегишли «Миг-27» ҳарбий самолёти Ражастан штатида қулаб тушди.

Кўнгилсизлик Жодпур авиакоргоҳи яқинида содир бўлди. Самолёт парвозни амалга оширишдан ўн беш дақиқа ўтган, фойгага урачкан. Ҳарбий техниканинг учувчисига ҳеч қандай шикаст етмаган.

Ҳиндистонда сўнгги вақтларда шундай русумдаги самолётлар ҳалокати кўп қайд этилмоқда. Жумладан, сентябрь ойида улардан иккитаси қулаб тушганди.

Фанга маълум бўлмаган жонивор

Вьетнамдаги ресторанлардан бирида фанга маълум бўлмаган калтакесак тури топилган.

«ZOOTAXA» нашри хабарига келтирилишича, мазкур тамаддиҳонада бу турдаги калтакесаклардан таомлар тайёрланиб келинган. Уни дастлаб Вьетнам фан ва техника академияси ходимлари пайкаб қолишган. Кейин эса АҚШлик ҳамкасбларига бу ҳақда маълумот жўнатишган. Ҳозир мазкур топилма юзасидан тадқиқотлар олиб борилмақда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТРУБА ЗАВОДИ «КК»

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги махсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФИНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ИЙГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРЕБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Самарқанд вилояти филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар суд ижрочилиари бўлими томонидан ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2010 йил 18 июндаги 1-3203/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд вилояти, Божхона бошқармаси «Самарқанд» ТИФ пости марказий божхона оմборида сақланган «КамАЗ-5410» русумли, давлат белгиси 14S3579 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 18 162 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 14 декабрь соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққати! Ушбу автотранспорт воситаси 2010 йил 14 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг тақририй аукцион савдосига 2010 йил 30 декабрь ва 2011 йил 18 январь кунини бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситаси билан Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига бориб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидеги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидеги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452123, МФО: 00282, СТИР: 200933850.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 ноябрдаги «Қурбон ҳайитини нишонлашда тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2010 йил 16 ноябрь кунини Қурбон ҳайити байрамининг нишонланиши муносабати билан ушбу кунини РКМБ Самарқанд вилояти филиалида бўлиб ўтадиган аукцион савдоси 2010 йил 17 ноябрь кунини ўтказилишини маълум қиламиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй.
Телефон: (8-366) 233-80-56.
www.rkmb.uz

Лицензия: ДВ 001 № 000004

ФАХР

Академик эшак эшиш кишидан катта куч, эчкилик ва маҳорат талаб этадиган спорт турларидан бири ҳисобланади. Нукуслик Абу-бакр Узоқбоев унга болалигидан қизиқди. Отаси Ниетбой Байлеповга эргашиб, Нукусдаги эшак эшиш бўйича ихтисослашти-

рилган Олимпия захиралари мактабига катнаш бошлаганида ҳали саккиз ёшга ҳам тўлмаганди. Айниқса, бу ердаги каналда тўлқинларга қарши қайқда маҳорат билан сузаётган спортчиларни кузатишнинг завқи ўзгача эди. Шу-шу Абубакр сув спортга меҳр қўйди.

тириш устувор вазибалардан бирига айлангани бизларни янги галабалар сари ундамоқда. Мен келгусида биз, ёшларга кўрсатилаётган гамжўрликларга жавобан Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, Юртбо-

шуғулланмоқда. Уларнинг 14 нафари Ўзбекистон терма жамоасига аъзо ҳисобланади. Яна 13 нафари номзод спортчилардир. Тажрибали мураббий Владимир Пахомов раҳбарлик қилаётган ушбу спорт

СУВДАГИ БЕЛЛАШУВЛАР ЖОЗИБАСИ

Дастлаб ушбу мактабда катта мураббий бўлиб ишлайдиган отаси кўли остида машғулотларда чиникди. Отага шогирд тушишининг ҳам ўзига яраша масъулияти бор. Ниетбой оға ўғлига оилада бор меҳрини берса-да, машғулотларда қаттиққўл эди. Зеро, машҳур спортчи бўлиб, катта ютуқларни қўлга киритишни истаган спортчи, аввало, тайёргарлик жараҳида яхши тажриба тўплаши лозим. Абубакр бу қийинчиликларни мардонавор енгиб, отасидан мазкур спорт тури сирларини пухта ўзлаштириб борди. Нукус шаҳри марказидан оқадиган "Кизкетган" канали у учун қадрдон масканга айланди.

борилган машғулотлар самарасида 2008 йили Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Тошкент вилоятида ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган жаҳон кубоги саралаш баҳсида икки кишилик қайқда маррага биринчи бўлиб етиб келди. Айниқса, 2009 йил А. Узоқбоев учун омадли яқунланди. 12 — 14 июнь кунлари Москвада уюштирилган йирик халқаро турнирда шериги Ерназар Хамидуллаев билан 500 ва 1000 метр масофага сузишда биринчи ўринни қўлга

киритди. Жорий йилнинг июнь ойида эса Сингапурда бўлиб ўтган Осиё биринчилигида иккита кумуш медал билан тақдирланди.

шимиз ишончини оқлаш ва юртимиз доврғини дунёга таратишни ният қилдим. Бу орзуимга, албатта, эришаман.

мактабда 12 нафар истеъдодли спорт устози ёшларга эшак эшиш сирларини ўргатиб келмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида спорт мактаби тарбияланувчилари турли мусобақаларда 116 та медали қўлга киритгани замирида ҳам шу заҳматқаш устозларнинг хизмати катта.

Айни пайтда Абубакр Узоқбоев Нукус олимпия захиралари коллежидан тахсил олмақда. Яқинда Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи Абубакр ҳаётида ҳам унутилмас воқеа бўлди.

Сирасини айтганда, Нукусдаги эшак эшиш бўйича ихтисослаштирилган Олимпия захиралари спорт мактабидан Абубакр ўхшаган иқтидорли ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Ҳозир бу ерда 212 нафар ўғил-қиз эшак эшиш бўйича мунтазам

— Давлатимиз раҳбарининг оталарча меҳр билан айтган фикрлари менда катта таассурот қолдирди, — дейди А. Узоқбоев. — Мамлакатимизда спортчиларнинг янги авлодини тарбиялаб, вояга етказишга нақадар катта аҳамият берилаётгани, спортни ривожлан-

СПОРТНИНГ ОЛАМИ

СИРЛИ

Футбол мухлисларига яхши маълумки, кейинги йилларда жаҳон футболда ёрқин иқтидорлар сафи камайиб кетди. Бунга баҳо берган баъзи мутахассислар футбол инқироз кўчасига кириб қолди, дейишгача боришди. Аммо жорий мавсумда Европа майдонларида жавлон ураётган бир неча нафар ёш чарм тўп усталари уларни бу фикрдан қайтаришга чоғланган кўринишади. Зотан, мавсум энди бошланган бўлишига қарамай, улар кўрсатаётган ўйинлар мухлису мутахассислар ҳайратини оширмоқда. Баъзилар бу ёш иқтидорлардан бирини Зиданга қиёсласа, бошқасини Фигуага ўхшатишмоқда. Яна бири Рональдинодан ҳам эъро эмиш. Бу ўхшатишлар нечоғли ўзини оқлашни билмадигу, лекин ҳақиқатан ҳам, мазкур футболчилар ўз клубларида етакчиликини қўлга олишмоқда. Куйида ана шундай жаҳон футбол чўққисини забот этишга чоғланганларнинг баъзилари ҳақида қисқача ҳикоя қиламиз.



Чемпионликнинг машаққатли йўли.


Жаҳон футбол чўққига чоғланганлар

Англиянинг "Арсенал" клуби бош мураббийи Арсен Венгер хар доим иқтидорларни кашф этиб келган. Жек Уилшер улардан навбатдагиси бўлди. Ҳозир бу ёш футболчи фаолияти борасида фақат иллик фикрлар айтилмоқда. Муҳими,

у ўзига билдирилаётган катта ишончдан шошиб қолмаса бўлгани. Чунки 18 ёшли чарм тўп устаси Англия терма жамоасининг ЖАР — 2010 даги омадсизлигидан кейин инглиз футболининг халоскори сифатида баҳоланмоқда.

"Палермо" клуби президенти Маурицио Зампарининг таъкидлашича, у 60 миллион еврога ҳам сотилмас экан. Уни сотиб даромад кўриш мақсади ҳам йўқ. У фақат клубда олиб қолиниши шарт. Бу эйтирофлар Аргентина терма жамоасининг навбатдаги "10" рақамли либосига асосий даявогар сифатида айтилаётган Хавьер Пасторе ҳақида янгради. Италиядаги ушбу мавсумда 4 гол киритган ёш юлдузни "Палермо"нинг ҳамма замонлардаги энг яхши футболчиси, дейишгача боришмоқда.

лион евро миқдоридан тавон пули ҳозир жуда пастдек туюлмоқда. Сабаби, бу ёш футболчи ажойиб тўп узатиш ва майдондаги ижодкорлиги билан "Лацио"ни улкан галабалар сари етакламоқда. Айнаунинг хизматлари тўғрисида кўп ҳозир Италия чемпионатида етакчилик қилмоқда.



Бу эйтирофлар ўзини қанчалик оқлашни вақт кўрсатади, албатта. Мухлислар учун эса ажойиб футбол спектаклларини ташкил этиб берадиган футболчиларнинг кўп бўлгани муҳим.

Фазлидин АБИЛОВ.

Майдондаги миллионерлар

"Манчестер Юнайтед" клубининг ҳужумчиси Уэйн Руни янги шартномага имзо чекди.

Келишувга кўра, Руни яна беш йил "Кизил иблислар" шарафини ҳимоя қилади. Мазкур хизматлари учун у ҳафтасига 250 минг евро маош олади. Шу тариқа Рунининг йиллик ш ҳақи 18,8 миллион АҚШ

долларига етди. Бу айни пайтда тўп тепиб пул топайётганлар орасида энг юқори кўрсаткичдир. Жумладан, катта маблаг эвазига "Реал" либосини кийган Криштиану Роналдуга "Кироллик клуби" йилига

16,32 миллион евро маош ваъда қилган. "Барселона"дан "Милан"га ўтиб кетган Златан Ибрагимовичга йилига 15,04 миллион АҚШ доллари миқдоридан маош тайинланган. Энг кўп пул топайётган футболчилар рўйхатида Яя Туре ("Манчестер Сити"), Лионель Мессини ("Барселона"), Самюэль

Это'О ("Интер"), Кака ("Реал"), Эмануэль Адебайор ("Манчестер Сити"), Карим Бензема ("Реал"), Карлос Тевес ("Манчестер Сити") каби юлдузлар ҳам жой олган. Бу футболчилар яшил майдондаги хизматлари эвазига йилига 10 миллион АҚШ доллари-дан кўп пул топишади.

Рекордлар, рекордлар, рекордлар

1885 йилда футбол бўйича Шотландия кубоги мусобақасидаги учрашувлардан бири ҳамон кўпчиликни ҳайратга солиб келади. Ушанда "Эрброс" клуби вакиллари рақиблари "Бон Эккорд" дарвозасига жавобсиз 36 та тўп киритган эдилар. Терма жамоалар ўртасидаги ўйинларда бу қадар йирик ҳисоб қайд этилмаган бўлса-да, хар ҳолда эсга олишга арзигуликлари топилади. 1951 йилда Англия термасининг Австралия терма жамоаси устидан 17:0 ҳисобида галаба қозониши бу борадаги энг ёрқин мисолдир.

Спорт рекордлари билан боғлиқ янгиликлар мухлису мутахассислар эътиборини доимо ўзига торттиб келган. Бундай кўрсаткичларнинг аксарияти, табиийки, вақт ўтиши билан янгилашиб боради. Аммо шундай натижалар ҳам борки, уларни янгилаш туғул, тақдорларнинг ўзи амримаҳол. Куйида ана шуларнинг айримлари ҳақида сўз юритамиз.

Энди эътиборингизни Буюк Хитой деворига қаратмоқчимиз. Ушбу иншоот ниҳоятда узунлиги билан ажралиб туради. Кўплаб марафончилар шу девор йўлакларини бўйлаб югуришни одат қилишган. Улардан бири хитойлик Ян Генхуадир. Чинлик спортчи у ерда 2400 км. масофани босиб ўтган. Бунинг учун 80 кун сарфлаган. Генхуанинг юртдоши эса 110 кунда 6200 километрни орта қолдирган.

Буй. Инсон жисмининг мазкур жиҳати спортда катта аҳамиятга эга. Волейбол, баскетбол, футбол, бокс каби турларда новча спортчилар жуда кўплаб топилади. Агар бўйлашиш бўйича мусобақа ташкил этилганда эди, ўзбекистонлик Асилбек Нишонбоевнинг олдида унча мунчаси ип эша олмасди. Навойининг Конимех туманида истикомат қилувчи маҳаллий рекордчи бўлиб буйи нақд 235 см., пойбазалининг ўлчами эса 52 га тенг экан. Тўғри, унинг буйи таниқли баскетболчи, хитойлик Сун Минминдан 1 см.га паст. Лекин руминиялик дароз боксчи Гога Митудан 12 см. баландроқдир.

Ҳамюртлимиз гарчи спортнинг бирор тури билан профессионал тарзда шуғулланмаса-да, ҳалол меҳнатни ўз касби, деб билади. Орузи — ўзи суйган соҳада кўплаб рекордлар ўрнатишдир.

Санджон МАХСУМОВ тайёрлади.

Мохир спортчи Рафаэль Надаль чап қўлда теннис ўйнашни 12 ёшида бошлаган. Бу вақтгача у фақат ўнг қўлда шуғулланиб келган.

Бўлажак юлдузни чапақайликка унинг амалиси Тони маж-бурлаганди. Ушанда у Рафада иккала қўлда ўйнаш қобилияти борлигини пайқаган экан. Кўпгина спортчилар майдонга чиққан-дан аввал ўз ҳажжонини босишда турлича ҳаракатлар қилишади. Айримлар яқинлари, кадрдонлари билан суҳбатлашади, яна баъзилар му-сика тинглайди. Рафаэль Надаль айнан иккинчи гуруҳга тегишлидир. У кўпинча Хулио Иглесиас, поп-қўшиқчи Алехандро Санс ва "La Oreja de Van Gogh" гуруҳининг тароналарини тинглайди.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 172,0 ▲ +6,7 ЦЕМЕНТ (пц400 к20) 170,0 ▲ +3,7 АРМАТУРА 2202,8 ▲ +882,8 ШИФЕР (1 лист) 13978 ▼ -276 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 38595 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тажрибали вақт кўзбўйаб таърих қилинмайдан ва муаллифга қайтариб берилади. Реклам материаллари учун таърихият жавобгар эмас.

Газета таърихият компьютер марказида термиди ҳақда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонбеков.
Мусахҳач — С. Исломов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.00 12 45